

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ


ТДМРХОМ

Санъат назарияси ва тарихи кафедраси

Ўзбек хореография тарихи фанидан

МУСТАҚИЛ ИШ

МАВЗУ: Хоразм эркаклар рақси



Топширди: Гофуров.Н

Қабул қилди: Ҳасанмуродова И.

ТОШКЕНТ 2017

Хоразм эркаклар рақси

Режа

1. Хоразм эркаклар рақси

2. Хоразм эркаклар рақси тарихи

3. Хоразм эркаклар рақси намоёндалари

VIII асрда араблар Хоразмни босиб олдилар. Исломдан бошқа динлар, эътиқодлар тақиқланди. Қадимий Хоразм маданияти, санъати таназзулга юз тутди. Аёлларнинг халқ ўртасида ўйнаши, куйлаши, рақс тушиши мутлақо ман қилинди. Бўйсунмаган созанда, ашулачи раққосалар, юзсизликда айбланиб, бошлари кесилди. Таъқибу тазйиқлар кўпчилик санъаткорларнинг Ҳиндистон, Хитой сингари араблар оёғи етмаган узоқ мамлакатларга бош олиб кетншларига сабаб бўлди. Хитой, Ҳиндистон ҳукмдорлари уларга ҳурмат билан қараганлар. Саройда ишлаган хорижий санъаткорлар моддий таъминланганлар. Аксарият созанда ва раққосалар бу ерда бутунлай қолиб, Хитой, Ҳинд санъати тараккиётида муҳим роль ўйнаганлар. Ҳинд мусиқаси билан Хоразм мусиқаси ўртасида мохиятан узвий боғлиқлик бор. Бизнинг кўпгина куй ва оҳангларимиз, мусиқамизда пинхон буюк дарду ўйнокилик ҳинд мусиқасига ҳам хос. Бу бежиз эмас. Хоразмнинг қадимий «Норим-норим» рақс куйи билан Ҳиндистоннинг қадимий «Батмисон» рақси куйида оҳангдошлик мавжуд. Хоразм рақсларида ҳам, ҳиндларда ҳам занг тақиб ўйналади. Ҳиндларда бир жойда, факат ҳаракатлар билан ўйналадиган рақс «Бахорати натъям» мавжуд. Хоразмда ҳам бундай ўйин борлигини юқорида айтиб ўтдик. Яллалари ҳам ўхшаш. Ҳиндистонда ҳам, Хоразмда ҳам рақс ижро этувчилар айтилаётган ялла сўзини рақс тили билан ифодалаш қонунига амал қилади. Мен яллали рақслар ижрочиси, раққоса сифатида туб негизи ҳинд рақс услуби ҳаракати билан чабарчас ўхшаш 12 та Хоразм рақс ҳаракатини биламан. Комилжон Отаниёзовнинг «Гулдаста» куйининг авж қисми ҳиндларнинг «Алихо» куйининг ўзгинаси. Бу устоз санъаткорнинг «Раънони кўрдим» ашуласи куйи ҳиндча «Мисри-мисри» ашуласининг оҳангига менгзайди. Албатта, бу мусиқа бастакорлари мазкур куйларни ўзлари, бир-биридан беҳабар ҳолда яратишган. Ҳиндистон ва Хоразм санъати ўртасидаги узвийлик, боғлиқлик алоҳида тадқиқ этиладиган мавзу. Кейинги махсус тадқиқотларда бу мавзу кенг ва атрофлича ёритилса ажаб эмас.

Хуллас, мамлакатдан чиқиб кетган санъаткорлар ўзга юртларга санъатимиз ҳаволарини олиб кирдилар. Мамлакат ичида, гарчи тазйиқ

нихоятда кучли бўлса-да, санъат ривожланиш йўлини топди. Оққан дарё оқмасдан қолмас, дейди халқимиз. Рухонийлар халқнинг санъатсеварлиги билан ҳисоблашмай иложи йўқ эди. Аёллар қатнашмайдиган санъат турларига рухсат берилиб, ривожлана борди. Айниқса, мусиқа санъати эркин ривожланди. Рақс олами аста-секин ривожланди. Аёллар рақсини ижро этувчи махсус ёш ўйинчи-эркаклар пайдо бўлди.

Уларни Хоразм хонлигида «Ўғлон бола», Бухоро, Қўқон хонлигида «бачча» деб аташган. Чиройли ва талантили болалар хотин-қизлар рақсига махсус ўргатилган. Хоразмда ўғил болаларга 8—10 ёшидан бошлаб 4—5 йил мобайнида аёл рақс услубларини ўргатишган. Натижада улар маҳоратли ўйинчи бўлиб етишган. Эркаклар аёллар рақсини ўйнаганларида фақат аёллар ўйинига хос хусусиятларнигина эмас, балки ҳатто аёл характерини, ҳолатини, ички, рухий кечинмаларини ҳам рақсда ифодалашга эришган. Улар аёлча кийиниб ўйнаган. Шу боис гоҳо ташқи қиёфадан ҳам, рақсидан ҳам уларни аёллардан фарқлаб бўлмаган. «Ўғлон бола» рақси ижрочилари ёшликдан аёл хулқ-атворини ўрганиб, уларга доимий тақлид қилиши оқибатида уларда аёлларга хос юришлар, сўзлашлар, баъзи ҳаракатларида аёл қилиқлари бўлиши табиий эди. Бу эса турли гап-сўзлар, камситишларга ҳам сабаб бўлган. Бу санъатнинг аҳамиятини тушунмаган одамлар ўғлон болаларни масхаралаб, қоралаганлар. Ваҳоланки, шу йўл билан қадимда тараққий топган ва ислом келгач тақиқланган аёллар рақс санъатини эркаклар сақлаб қолиб, бизгача етказиб келишган. Акс ҳолда аёл рақс санъати, эҳтимол, бутунлай йўқ бўлиб, ғариблашиб қолган бўлур эдик.

Санъатни асраш, бойитишда устоз — шогирдлик анъанаси бениҳоя катта роль ўйнади. Санъатга ихлоси бор, қобилиятли болалар, ўсмирлар маҳоратли санъаткорларга шогирд тушганлар. Устоз билан шогирднинг бири-бирига муносабатини тартибга солувчи ёзилмаган қоидалар мавжуд бўлган. Унга кўра саъаткор бўлишни хоҳлаган шогирд устози буюрган ишни бажариши, бажарган ишига ҳақ талаб қилмаслиги, истеъдодни пулга айирбош қилмаслиги, устозлар олдида рухсатсиз ўйнаши, ўз устози олдидан бир умр кесиб ўтмаслиги, халқни ҳамма вақт ҳурмат қилиши талаб этилган. Устозидан фотиҳа олмагунча шогирд санъаткор деб ҳисобланмаган, Шогирдларнинг фотиҳа олмасдан даврага чиқишини катта айб, гуноҳ деб билишган. Устозлар ҳам шогирдларига санъат сирларини кунт билан, дилдан ўргатганлар. Улар шу билан эришган ҳурматини, ўз номини, санъатини эл ичида абадий қолдирганлар. Натижада катта санъаткорларнинг ўз мактаблари барҳаётлиги таъминланган.

Қадимий санъат шу тариқа кўз қорачиғидай асралиб, авлоддан-авлодга ўтиб келди. Хоразмнинг ўзига хос мақомлари, мумтоз, шўх, ўйноқи куйлари, уфори, нағмалари бойиб боргани сари рақслари ҳам, жумладан «Ўғлон бола» ўйинлари ҳам такомиллашиб борди. Хива хонлигида Қодир бола, Раҳим бола, Озод бола, Хударган бола каби раққослар аёллар рақсининг моҳир ижрочилари бўлган. Улар раққос бўлибгина қолмай, айти чокда устоз сифатида кўпгина раққосаларни ҳам тарбиялаганлар. Бизнинг замонамизда моҳир санъаткор бўлиб танилган аёлларнинг устози эркаклар бўлгани

фикримизнинг далилидир. Чунончи ўзбек рақс усталари Тамарахоним, Галия Измайлова, Розия Каримова, Гавҳар Раҳимоваларнинг устозлари Толибжон Содиқов, Исохор Оқиловдир. Хоразм рақсларининг усталари Анаш халфа, Ровия Отажонова, Сора Оллаберганова, Олия Отамуротоваларга бўлса Канарак бола, Каримжон Раҳимов, Рейим оталар устозлик қилган.

«Ўғлон бола» рақси узоқ йўл босиб, тинимсиз тараққиёт, бойиш жараёнини бошидан кечирган. XIX асрда Хивада бўлган В. Вёрепчагин эркак раққос аёл кийимида рақсга тушгани, ёши қайтган устозлар 8 ёки ундан катта ёшдаги болаларга аёллар рақс санъати турини ўргатгани тўғрисида гувоҳлик беради.

Рус савдогари М.А.Абросимов (1846—1855) Хоразмда Муҳаммад Аминхонга қарашли боғда меҳмон бўлганида иккита раққос аёл кийимида рақс тушгани тўғрисида ёзиб қолдирган. Н.С.нинг қайд қилишича, аёл рақсини ижро этувчи раққос ўйинга чиқишдан олдин алоҳида хонада тайёргарлик кўрган. Унга қиз кийими кийгизилган. Бошига узун ўрилган соч маҳкамланади. Унинг устидан таҳё кингизилиб, рўмол ўралади. Қош-кўзи бўялиб, хол қўйилади, яхшилаб пардоз қилинади. Улар томошабин олдида чикмасдан олдин мана шу қиз қиёфасида кийинганидан кейин I соатлар чамаси ойна олдида ўз рақс ҳаракатларини, юз, қош мимикаларини жуда кўп такрорлашган. Чунки у аёл образига кириши учун ўзини рақсга мослаши зарур бўлган. Ҳақиқий аёл қиёфаси ҳолатига киргандан сўнггина «раққоса» томошабинлар олдида чиққан.

Урганчлик Қурбонбой шарлама (1877—1955) шундай ҳикоя қилади: «Мен 10 ёшимдан бошлаб, ўғлон бола сифатида созандалар билан тўй ва томошаларга чиқиб юрардим. Рақсга чиқишимдан олдин аёлларнинг шойи кўйлак-лозимини, маҳсисини кийиб, ясама сочимни орқамга ташлаб, қиз қиёфасида даврага чиқардим. Даврадагилар мени қиз бола деб ўйлаб, ўйин охирида яна шу қиз ўйнасин, деб қайта-қайта талаб қилганлари ҳали эсимда. «Ўғлон бола» рақсини қиз қиёфасида чиқиб ўйнаш устозлардан бизга мерос бўлиб қолган».

Хонқалик халқ санъаткори Искандар бола ҳам аёлларга хос кийиниб ва пардоз-андоз қилиб, рақсга тушганини ҳикоя қилган эди.

XIX аср охири XX аср бошларида Канарак бола, Холмурод бола, Карим бола (хивалик), Салой бола (хивалик), Бегим бола (гурланлик), Ўда бува (шоббозлик), Ўғил бола (чоржўйлик), Қодир бола (ҳазорасплик), Каримжон Раҳимов (урганчлик), Марат Жумабоевлар «Ўғлон бола» лазгисини қойилмақом қилиб ўйнаган устозлар ҳисобланади. Ҳозирги даврда ҳам бу мураккаб рақс турини ижро этиб келаётган халқ талантлари бор.

«Ўғлон бола лазгиси» шундай ўйналади. Раққос даврага аёлча кийиниб, безаниб, пардоз-андоз қилиб чиқади. Кўкрагига Хоразм шавкаласи осади. Қўлларига занг тақади. Гўзал қиз қиёфасига киради. Албатта бошида рўмол бўлади. Одатдагидай рез бошланади. Раққос майда одимларда даврага чиқа бошлайди, сахна ўртасига келганда бирдан одимини тезлатиб, давранинг ўнг томонига югуриб бориб тўхтади. Қўлларини ҳавода тебратиб, худди шабадани эслатувчи рақс ҳаракатлари қилади. У мусиқа оҳангида ёнбошга

майда кадам босиб, рўмоли билан юзини беркитиб, гоҳ мўралаб қараб, гоҳ кўзларини сузиб, баъзан кўз узиб, гоҳ ғамгин, гоҳ гулгун имо-ишоралар билан аёлларнинг севги-муҳаббатини, қайғусини, туйғуларини ифодалайди. Кутилмаганда мусиқа тўхтаб қолади, раққоснинг қўллари ҳам ҳавода қотиб қолади. «Лазги»нинг анъанавий қисми бошланади. Мусиқада нола, раққоснинг қўллари ҳамон қотиб туради, яна нола, қотиб туриш, яна нола, яна нола. Аста бармоқларга жон кириб, тебрана бошлайди, панжалар ҳаракатга келади, билаклар бўлина бошлайди. Раққос аёлларча уялинқираб боқади, қошларини учириб, бўйин тебратиб, ияк қоқиб, рақс бошлайди. Бармоқлар қирсиллай бошлайди. Бу ҳаракатларни раққос турган жойида бажаради. Кейин қимирлай бошлайди, қўллар қирсиллаб ўнг тарафга олма отгандай, чап ёнбошга юриб, олма тергандай рақс ҳаракатларини қилади. Елкаларини олдинмакейин ҳаракатга келтириб, кейин ноз аралаш жадаллашиб, қўл дастасини кўтариб, қирсиллатиб, биринчи бўлимни якунлайди. Иккинчи бўлим очилади. Лазги жадаллашади, раққос давра айланиб, оёқларини букиб, ўнг оёқ олдинда, чап оёқ орқада — оёқ услубини бошлайди. Бармоқлари галма-гал қирсиллаб туради. Қўллари елка узра кўтарилиб, занглар бир-бирига урилиб, ритм асосида ўзига хос оҳанг бера бошлайди. Тиззалар букилган ҳолда бармо-ғининг бириси қирсиллаб, бири занг оҳангида ҳаракатланиб, ёнбоши билан давра айланади. Давра ўртасида рақсни кўлдаста кўтариб, қарс уриб ёпади ва учинчи бўлимга ўтади. Раққос турган жойида бутун вужуди билан титрама ҳаракатини қилади. Шу титраш билан чўккалаб ўтиради. Аёлларнинг пардоз қилишини, нозланишини юз ифодаси орқали кўрсатади, бармоқларини олдинма-кейин қирсиллатиб, гоҳ ўнгга, гоҳ чапга қўл ташлаб, ўрнидан туради. Мусиқа жадаллашгач, бир жойда туриб, бутун тана оёқлар, қўллар, бош, юз, кўзлар ҳаммаси ҳаракатга келади. Кўлдасталар кўтарилиб, қарс урилади. «Лазги» рақси тамом бўлади. Раққос давра ўртасига келиб, бошидаги рўмолини бир қўли билан юзига тортиб, уялинқираб, бир қўлини кўксига қўйиб, таъзим қилади. Кейин юзини бурганича елкасини ўйнатиб, майда кадамлар билан юзини беркитиб, келинчакдай даврадан чиқиб кетади.

Хоразмнинг маданияти ва санъати XX асрга келиб ўз ривожига янги поғонага кўтарилди. У янада оммавийлашди. Замонавий ахборот воситалари — радио, телевидение, овоз ёзиб олиш имконияти санъатнинг гуркираб ривожланиши учун катта йўл очди.

Хусусан, турли труппалар барпо этилиши, концерт бригадалари тузилиши муҳим рол ўйнади. Санъат саройлардан кенг халқ ҳузурига чиқди.

20-йилларда Самандар Сароймонов раҳбарлигида ўзбек Хоразм труппаси ташкил топди. Янги ташкил топган маҳаллий труппага аёлларни жалб этиш энг қийин масала эди. Мавжуд анъаналар аёлларнинг даврада очик юзда ўйнашига йўл қўймас эди. Хотин-қизларнинг даврага чиқиши ўз-ўзидан бўлмаган, албатта. Аёллар орасида халфачилик санъати ривожланиб, хотин-қизлар байрам, томоша, тўй, зиёфатларда фаоллик кўрсатиб келаётган эди.

40-йилларда халқ ашулалари билан ижро этиладиган яллалари рақслар ҳам шакллана борди. Шерозий, Жумми ота, Нурмамат Болтаев, Комилжон

Отаниёзов каби машҳур санъаткорларнинг яллали кўшиқларига олдин эркаклар ўйнаган бўлса, энди раққосалар ҳам ўйнай бошлашди. Халқ яллали рақсларига Бекжон Мадримов (1914—1981), Султон Отаниёзов, Зарип Латипов, Қодир Жуманиёзов, Жуммикул қайроқда ва қайроқсиз қойилмақом қилиб рақсга тушганлар. «Лазги»нинг янгича, яллали тури пайдо бўлди. Ўтмишдаги устозлар «Лазги»ни илоҳий куй, инсоннинг яралиш куйи деб ҳисоблашгани учун унга сўз боғлашга ботинмай келган эканлар. Биринчи бўлиб «Лазги»га устоз Комилжон Отаниёзов сўз боғлади. У Комил Хоразмий шеъри асосида айтиладиган «Яллали лазги» ижодкоридир. Шундан кейин «Лазги»га сўз боғлаш анъанага айланди.

Комилжон Отаниёзов рақс санъатининг чуқур билимдони эди. «Яллали лазги» сўз маъноларини рақс ҳаракатлари орқали ҳам ифода этиши керак эди. Комилжон ака ўта талабчан эди. Машғулот даврида раққосадан ялланинг сўзини ёд олган-олмаганини сўрар эди. Ҳар бир сўзни рақс элементлари орқали бетакрор ижро этишни, рақс характерини образлар орқали кўрсатишни ва шу куй ичида яшашни талаб қилар эди. Унинг бу шартлари раққосани кўп изланишга, бетакрор муқом, ҳаракатларни топиб, янгилик яратишга олиб келарди. Устоз мана шу имтиҳонлардан ўтган раққосагагина «Лазги»га ўйнашга рухсат берарди. Комилжон Отаниёзов «Яллали лазги»га «Сўзла манго эй санам, кимни севар ёрисан, эй қаро кўз, кўз, бўй-бўй, Эй қора кўз, гал бари», деган нақоратни кўшди. Хоразмда ашулачилик санъатининг моҳир истеъдод эгалари қайси хил «Лазги» яратмасинлар Комилжон Отаниёзов яратган нақоратни асос қилиб оладилар. Олмаҳон Ҳайитованинг «Сени ўзинг бир ёна», Бобомурод Ҳамдамовнинг «Гал-гал», Ортиқ Отажоновнинг «Хоразмнинг лазгиси», Отажон Худойшукуровнинг «Паранг рўмол», Карим Раҳмоновнинг «Ўйна- ўйна», Тўрабой Шомуродовнинг «Ажойиб» каби «Яллали лазги»ларида К. Отаниёзов кашф этган нақорат ишлатиб келинмоқда. Мазкур нақорат «Лазги»га жуда уйғун, унга жозиба, ўйноқи оҳанг бағишлайди. Қолаверса, шогирдларнинг устозга эҳтироми бу ҳолатда ўз аксини топмоқда.

Устоз яратган «Кимни севар ёрисан» «Яллали лазги»сига биринчи бўлиб Роза Сафоева, Саодат симоб, Ровияхоним Отажоновалар рақсга тушиб, гўзал рақс услубини яратди. Кейинчалик Гулчеҳра Мирзаева, Гулчеҳра Исмоиловалар унга янги жилвалар кўшдилар. Улар мусиқага мос оҳангда қарс уриш усули ижодкорларидир. Шу-шу қайси раққоса томонидан «Яллали лазги» ўйналмасин, қарс уриш услуби қўлланадиган бўлди.

60—70-йиллардан кейин «Яллали лазги»га асосан хотин-қизлар ўйнайдиган бўлди. Хонандаларимизнинг аёлга муҳаббатни куйлайдиган, аёл гўзаллигини ифодалайдиган мазмундаги шеър танлашлари ана шунга олиб келди, зеро «Лазги» ижрочисининг асосий мақсади — айтилаётган сўзга монанд рақс ҳаракатлари яратишдир.

Ҳозирги даврда «Яллали лазги»ни Ширин Эшнӣёзова, Нодира Абдуллаева, Насиба Абдуллаева, Сайёра Хўжаева, Гавҳар Ашурова, Ўғилжон Абдуллаевалар ижро этиб, устозлари яратган санъатни давом эттириб, эл ҳурматини қозониб келишмоқда. Бироқ, афсуски, кейинги

даврда, хусусан 70—80-йилларга келиб, рақсларимизнинг миллий, ўзига хос қиёфаси бир оз хиралашди. Рақсларимизни миллий, анъанавий услубда эмас, европача ижро этадиганлар чикди. Натижада «Хоразм лазгиси»да беҳуда елиб-югуришлар, сакрашлар, гир-гир айланишлар, чопишлар пайдо бўлди. Бундай раққосаларнинг рақси кимга, қайси халққа мансуб эканини айтиш ҳам қийин бўлиб қолди. Булар қиёфасиз, жозибасиз рақслардир.

Яхшиямки, сўнгги даврда санъаткорларимиз бу ёт таъсирларнинг миллий санъатни инқирозга олиб келишини тушуниб қолдилар. Халқимиз бу «дурагай», қиёфасиз санъатини хуш кўрмади. Ҳаётнинг ўзи миллий заминга қайтарди. Миллий санъат яна ўз ўрнига қайта бошлади. Йўқолиб кетаётган қадимги ўйинларимиз асл ҳолида тиклана бошлади. Пўлатжон Раҳмонов, Ровия Отажонова, Каримжон Раҳимов, Марат Жумабоев, Каромат Бобожоновалар «Яллал лазги» рақсларининг шаклланишида, унинг хилма-хил турларини яратишда, уларни ёшларга ўргатишда катта хизмат қилдилар.

Рақс санъати, мусиқа, куй-илоҳийдан келган деган гап бор. Бу бежиз эмас. Улар руҳ билан жисмнинг, моддият билан маънавиятнинг уйғунлигини тақозо этади. Куй билан қадим замонларда беморларни даволашган. Куй тинглаганда ёки рақс томоша қилганда инсон қалби завққа тўлиб-тошади, кўнгил ором олади, хаста дил осойишталик топади. Бу бежиз эмас. Санъатнинг бундай олижаноб миссияси санъаткор зиммасига улкан масъулият юклайди, уни тинимсиз изланишга, ижод этишга чорлайди. «Лазги» устидаги ижодий иш ҳам давом этмоқда.

«Лазги»ларнинг тарихий ривожланиш жараёнини, унинг турларини, у ҳақдаги ривоятларни, ижро услубларини ҳисобга олиниб 1987 йилда «Лазги афсонаси» деган оммавий рақс саҳналаштирилди. Унда 20 қиз ва бир эр йигит қайроқ ижросида рақсга тушади. Рақснинг мақсади ҳозиргача мавжуд 9 та лазгини бир-бирига улаб, тарихий даврнинг ҳар бирини очиб беришдан иборат. Муқаддас қаср ўртасида Олов ёниб туради. Олов атрофида қизлар юзларига парда тортилган, қўлларида шам ёқилган, ҳар хил ҳолатда қотиб туришади. «Лазги» куйи рез билан бошланади. Саҳнанинг ўнг томонида дарвиш ҳикоя бошлайди: «Дастлаб инсон танаси алоҳида-алоҳида бўлган экан. Жонга, танага кир, дедилар. Жон танага қирмади. «Нечун танага қирмайсан», деб жондан сўрадилар, У: «Қўрқаман», деди, Шунда самодан бир куй таралибди. Бу куйга мафтун бўлган жон танага кирганини ўзи ҳам сезмай қолибди. Олдин бармоқларга, панжаларга, билакларга, елкаларга, кейин бошга жон кириб, инсон тирилибдир. Бу илоҳийдан келган «Лазги» куйи эди. Хоразм одамлари оловга сиғинганлар. Шу олов атрофида ўтириб, етти ёшдан етмиш ёшгача «Лазги» куйига рақсга тушибдилар. Бу куйни на эронийлар, на юнонлар, на араблар йўқота олганлар. Шундан буён Хоразмда «Лазги» куйининг 9 хили мавжуд. Ўтмишимиздаги устозлар бу муқаддас, илоҳийдан келган куй бўлгани учун унга сўз боғлашга журъат этолмаган эканлар, фақат Комилжон деган хонанда «Лазги» куйига сўз боғлабди. Шундан кейин куй мангуликка юз тутибди», деб дарвиш ўз ҳикоясини тамом қилади. Бу сўзлар «Лазги» куйининг рез қисми чалиниб турганда айтилади.

Шу ҳикоя айтилиб, рез чалиниб турган вақтда ўртадаги олов ичидан жон киёфасида раққоса мусиқага монанд аста чиқа бошлайди. Қўллар қалтираган, бўлак-бўлақларга бўлиниб, рақс ҳаракати билан ўрнидан тура бошлайди. Юзида қайғули ифода. «Жон» бориб, аста даврани айлана бошлайди ва бир шам тутиб турган қиз ёнига бориб тўхтади. Қўлини ҳайкалдай қотиб турган қизга теккизади. Қиз сесканиб, аста қимирлай бошлайди. «Жон» югуриб, бошқа қиз олдига боради, унга ҳам қўлини теккизади, шам ушлаб қотиб қолган қиз ҳам аста қимирлай бошлайди. «Жон»ни ижро этувчи раққоса шу ҳолатни сахнадаги 20 қиз ёнига бориб бу ҳаракатни такрорлайди. Барча қизларга жон киргандан сўнг раққосалар қўлларидаги шамни аста ерга қўядилар. Юзларидаги пардаларни очиб, турган жойида айланиб, бир қўли тепада қотиб қоладилар. «Лазги»нинг асосий позициясининг ҳаммаси ҳикоя давомида, куйнинг рез қисмига монанд ижро этилади. «Лазги» куйининг асосий қисми бошланади. Соз бир нола қилади. Қўллар юқорида қотилган. Соз яна нола уради, нола, яна нола. Аста бармоқлар қимирлай бошлайди, кейин панжалар, билаклар, елкалар олдинма-кейин ҳаракатга кела бошлайди. Бошлар қимирлай бошлайди. Аъзойи баданга жон югуриб, инсон тирилади.

Шундай қилиб, «Лазги» бойиб бормоқда. Унинг умумий оммавий рақс билан ижро этиладиган шакли ҳам пайдо бўлди. «Лазги» рақсининг қайси тури бўлмасин, у ким томонидан ижро этилмасин, ҳар кимда ўзига хос чиқади. Ҳар бир ижрочининг услуби ўзига хос ва мос бўлиб, бетакрордир. «Лазги»нинг оригинал ижро услублари, кўриниши, мазмуни билан фарқланадиган турлари кўп. Унинг очилмаган сирлари ҳали бир талай. «Лазги» ўз элига, ўз бешигига эгадир. У мангуликка дахлдордир.

Адабиётлар

1. Авдеева Л. Ўзбек миллий рақс санъати тарихидан.—Т. 2001.
2. Авдеева Л. Ўзбек миллий рақс санъати.—Т: Бадиий адабиёт давлат нашриёти, 1963.
3. Каримова Р. Хоразм рақси.—Т: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.
4. Каримова Р. Бухоро рақси.—Т: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
5. Каримова Р. Фарғона рақси.—Т: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.